

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMACIсининг  
ҚАРОРИ

**298** Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкый зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек, транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкый зарарнинг ўрнини қоплаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкый зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 24 апрель,  
235-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2017 йил 27 апрелдаги 235-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва  
фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда  
фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки  
етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг  
эгасига етказилган мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш  
тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ички ишлар органлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкӣ зарарнинг (кейинги ўринларда мулкӣ зарар деб аталади) ўрнини қоплаш тартибини белгилайди.

2. Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек мулкӣ зарарнинг ўрнини ҳамда унинг миқдорини аниқлаш билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда ходимнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек мулкӣ зарарнинг ўрни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади, ушбу сумма кейинчалик айбдор шахсдан ундириб олинади.

**2-боб. Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва  
фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий  
фойдаланиш тартиби**

3. Ички ишлар органлари ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ қўйидаги ҳолларда ташкилотларнинг ёки фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тартибда фойдаланиши мумкин:  
табӣий офат ёки фавқулодда ҳолат юз берган жойга боришда;  
шошилинч тиббӣй ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббӣй муассасаларга олиб боришда;

жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилиш ва ички ишлар органларига олиб келишда;

ходиса жойига ёки ички ишлар органларининг шахсий таркибини жанговар тревога бўйича тўплаш жойига боришда.

Ушбу ҳолатларда транспорт воситалари ҳайдовчилари ички ишлар органи ходимининг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланиш талабига бўйсунуши шарт ва ходимдан ходимни идентификацияловчи хужжатни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4. Қуйидаги ташкилотларнинг ёки фуқароларнинг транспорт воситаларидан фойдаланишга йўл қўйилмайди:

чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ваколатхоналарига ва бошқа ваколатхоналарига тегишли транспорт воситалари;

халқаро ташкилотларга тегишли бўлган транспорт воситалари;

махсус мўлжалланган ва овоз чиқарув мосламалари (сирена) ўрнатилган транспорт воситаларидан ҳамда Ҳукумат раҳбарларини олиб юрувчи, тиббий тез ёрдам, ёнғин учуриш, конвой, инкассатор хизматларининг транспорт воситалари.

5. Ички ишлар органлари томонидан транспорт воситаларидан фойдаланилганда, транспорт воситасининг эгасига ходим транспорт воситасидан фойдаланилганлик фактини тасдиқловчи идентификацияловчи хужжат берилиши шарт.

Идентификацияловчи хужжат намунаси ва унинг бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

6. Транспорт воситасидан фойдаланган ички ишлар органи ходими ҳолат бўйича барча тасдиқловчи хужжатлар (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ваколатли давлат ташкилотларининг маълумотномалари) илова қилинган билдирги билан хизмат жойи бўйича ички ишлар органи раҳбарига ахборот беради.

**3-боб. Ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ва етказилган зарар, шунингдек мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш масалалари бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби**

7. Ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш масалаларини ўрганиш бўйича ички ишлар органларида доимий комиссиялар тузилади.

8. Комиссия таркибига ички ишлар органининг тегишли хизматлари ходимлари киритилади ва ички ишлар органи раҳбари томонидан тасдиқланади.

9. Қилинган харажатлар ва етказилган зарар, шунингдек мулкий зарарнинг ўрнини қоплаш учун транспорт воситасининг эгаси ёки унинг вакили

ички ишлар органига мурожаат қилади ва қуйидаги хужжатларни тақдим этади:

а) транспорт воситасидан мажбурий фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ва етказилган зарар, шунингдек мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахслар учун — юридик шахснинг номи, унинг реквизитлари, солиқ тўловчининг идентификация рақами (кейинги ўринларда СТИР деб аталади), банк реквизитлари, раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми;

жисмоний шахслар — фамилияси, исми ва отасининг исми, банк реквизитлари (мавжуд бўлса), яшаш манзили ва боғланиш учун телефон рақами, электрон манзили (мавжуд бўлса) тўғрисида маълумотлар;

б) жисмоний шахслар учун — паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа хужжатнинг нусхаси;

в) транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси (техник паспорти) нусхаси;

г) ички ишлар органлари томонидан транспорт воситаларидан фойдаланилганлик фактини тасдиқловчи ҳамда ундан фойдаланган ички ишлар органи ходимини идентификацияловчи хужжат;

д) юридик ёки жисмоний шахснинг вакили учун (транспорт воситаси эгасининг вакили мурожаат қилган тақдирда) — вакил сифатида мурожаат қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи хужжат ва шахсни тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси;

10. Ҳолатга аниқлик киритиш учун ички ишлар органи раҳбари томонидан ходимнинг билдиргиси барча асословчи хужжатлари билан биргаликда уч кун муддатда комиссияга тақдим этилади.

11. Комиссиянинг зарарни қоплаш тўғрисидаги қарорига асосан:

бутунлай яроқсиз ҳолга келган ва тиклаш имкони бўлмаган транспорт воситасининг ички ишлар органи томонидан фойдаланишдан аввалги ҳолатидаги бозор қиймати;

фойдаланганлик натижасида меъёр бўйича сарф қилинган ёқилғининг ҳақиқий харажат қиймати;

ички ишлар органи томонидан транспорт воситасидан фойдаланилгандан кейин қилинган харажатлар ёки етказилган зарарнинг ўрни ички ишлар органлари томонидан қопланади.

12. Комиссия раиси ва аъзолари зарарни қоплаш тўғрисидаги комиссия қарорининг қонунийлиги ва уни тўғри қабул қилинганлигига масъул ҳисобланади.

13. Ички ишлар органлари томонидан транспорт воситасининг эгаси ёки унинг вакиллари мурожаатлари, мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатиб ўтилган хужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб ўн беш кун давомида, қўшимча хужжатлар ёки текширув талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

14. Ички ишлар органлари томонидан мурожаат кўриб чиқилгандан сўнг,

унинг натижалари ҳақида мурожаат муаллифига уч кун муддатда ёзма маълумот берилади.

15. Ички ишлар органлари томонидан транспорт воситаларидан фойдаланилганлик фактини тасдиқловчи ҳамда ундан фойдаланган ички ишлар органи ходимини идентификацияловчи ҳужжат бўлмаган тақдирда зарар қопланмайди.

**4-боб. Ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ва етказилган зарар, шунингдек мулкӣ зарар миқдори ва қоплаш муддатларини аниқлаш тартиби**

16. Қилинган харажатлар ва етказилган зарар, шунингдек мулкӣ зарар миқдори ички ишлар органи томонидан баҳолаш ташкилотини жалб қилган ҳолда аниқланади.

17. Ички ишлар органлари транспорт воситаси эгасига етказилган мулкӣ зарар ва қилинган харажатлар миқдори тўғрисидаги зарур маълумотларни ваколатли давлат органлари ва бошқа давлат ташкилотларидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

18. Транспорт воситаси эгаси ёки унинг вакили билан келишилган ҳолда, мулкӣ зарар нақд ёки пул ўтказиш, тенг қийматдаги транспорт воситасини бериш йўли билан, уни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни инобатга олган ҳолда натура тарзида қопланиши мумкин.

19. Қилинган харажатлар ва етказилган зарар, шунингдек мулкӣ зарар ўрнини қоплаш бўйича тегишли қарор қабул қилингандан сўнг, ички ишлар органлари томонидан ўн кун муддатда келтирилган зарар қопланиши (берилиши) лозим.

20. Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш ушбу Низомнинг иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

**5-боб. Яқунловчи қоидалар**

21. Ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида харажатлар қилинган ёки зарар етказилган тақдирда, шунингдек, транспорт воситасининг эгасига мулкӣ зарар етказилганда ушбу харажатларнинг ёки зарарларнинг ўрнини ички ишлар органлари томонидан қоплаш масалалари бўйича низо ва келишмовчиликлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

22. Мазкур Низомнинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомга

ИЛОВА

**Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкӣ зарарнинг ўрнини қоплаш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбир номи	Бажариш муддати
1-босқич	Ички ишлар органлари ходимлари, ташкилотлар, фуқаролар	Транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек мулкӣ зарарни аниқлаш	зарар етказилган вақтда
2-босқич	Ички ишлар органи	Транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек мулкӣ зарар ҳолатини ўрганиш учун зарурий ҳужжатларни комиссияга киритиш	уч кун муддатда
3-босқич	Ички ишлар органлари комиссиялари	Тақдим этилган ҳужжатларни комиссияда кўриб чиқиш ва тегишли қарор қабул қилиш	ўн беш кун муддатда
4-босқич	Ички ишлар органлари комиссиялари	Комиссия қарорини манфаатдор шахсларга етказиш	уч кун муддатда

Босқичлар	Субъектлар	Тадбир номи	Бажариш муддати
5-босқич	Ички ишлар органлари	Етказилган зарарни манфаатдор ташкилотлар ва фуқароларга қоплаб бериш	Комиссия қарори қабул қилингандан сўнг ун кун муддатда